



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 6 август, № 157 (8780)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 август куни рақобатни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Иқтисодиётга давлат аралашуви қанчалик камайтириш, йирик монополияларни тийиб туриш бўйича қилинаётган ишлар рақобат муҳитига ижобий таъсир қилмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда 25 тадан ортиқ товарлар бўйича рақобат муҳити яхшиланди. 7 та фаолият тури бўйича рақобатни чекловчи эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилинди. Давлат иштирокидаги корхоналар 42 фоизга камайиб, тадбиркорлик субъектлари сони 1,6 баробар кўпайди.

Ушбу юқини қисқартиришга қаратилган энгилликлар жорий этилади, жумладан, рухсат берувчи жараёнлар ва лицензиялар жавобгарликни мажбурий суғурталаш билан амаллаштирилади.

Табиий монополия соҳаларида мустақил бозор регуляторлари жорий этилади. Табиий монополия соҳалари билан ўзаро боғланган ва рақобатни ривожлантириш имконияти бўлган товар бозорларида табиий монополия субъектлари иштироки чекланади.

Тўғридан-тўғри амалга оширилган давлат харидлари кўлами қисқартирилиб, давлат харидлари рақобатли усулларга тўлиқ ўтказилди. Рақобатни чекловчи индивидуал хусусиятга эга давлат ёрдами, шу жумладан, эксклюзив ҳуқуқ, имтиёз, преференция ва энгилликлар бекор қилинади.

Давлат органлари ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар нархлари шаклланиши заминининг барча бўгинини рақамли мониторинг қилиш йўлга қўйилди. Рақобатга қарши келишув ва хатти-ҳаракатлар, тил бириктириш ҳолатлари ҳақида маълумот тақдим этган шахсларни ошкор этмаслик ва мукофотлаш тизими жорий этилади.

Умуман, мазкур концепция самарасида энергетика, нефть-газ, сув хўжалиги, йўл қурилиши, темир йўл ва аэропорт хизматлари каби қатор соҳаларда 17 турдаги давлат мо-

нополиясини босқичма-босқич тугатиш чоралари кўрилади. Давлат харидларида рақобатга зид ҳаракатларнинг олди олиниб, бу жараёнларнинг шаффофлиги таъминланади. Товар-хонашёр биржаларида тақлифлар кўпайтирилиб, хариддорларнинг танлаш имконияти кенгайтирилади.

Президент соҳадаги ишларни давом эттириб, эркин бозор тамойилларини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш бўйича қўшимча топшириқлар берди. Иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш, айрим функцияларни босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш кераклиги таъкидланди. Товар, молия ва рақамли бозорларда рақобат ҳолатини доимий таҳлил қилиб, тартибларни такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиб бериш вазифаси қўйилди.

Сўнгги уч йилда жойларда 2 мингдан ортиқ рақобатга зид ҳужжатлар аниқланган. Уларнинг аксарияти маҳаллий ҳокимликлар ва вазирликлар томонидан қабул қилинган. Шу боис Рақобат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ишини жонлантириш, кадрлар малакасини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, қўмита фаолиятини жамоатчиликка очиклаш ва оммавий ахборот воситаларида ёритишни кучайтириш кераклиги ҳам айtilди. Бу қонун бузилишининг олдини олиш, шаффофлик ва ҳалоллик муҳитини шакллантириш нуктаи назардан муҳим экани таъкидланди.

ИЧКИ ЙўЛЛАРНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШГА ОИД ТАҚЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 август куни ички йўлларни сақлаш ва таъмирлашга оид тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда жами 184 минг 582 километр автомобиль йўли бор. Шундан қарийб 142 минг километри ички хўжалик йўллари.

Сўнгги тўрт йилда ички йўлларни қуриш ва таъмирлашга 15 триллион сўм ажратилган. Маҳаллаларда, чекка қишлоқларда ҳам кўчалар раван бўлиб, аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда. Лекин уларни сақлашга масъул тизим йўқ.

Чунки Автомобиль йўллари қўмитаси давлат ва халқаро аҳамиятдаги йўл ҳамда кўприклар билан шуғулланади. Ички йўл кўприклар эса маҳаллий ҳокимликлар балансида. Ҳозирги кунда 43 минг километр ички йўллар таъмирталаб ҳолатда, 2 минг 354 та кўприкнинг "эгаси" аниқ эмас.

Шу боис туман даражасида бу масалаларга масъул тизим яратиш режалаштирилмоқда. Тақлифга кўра 208 та туман ва ша-

ҳар Ободонлаштириш бошқармаларида ички йўлларни сақлаш хизматлари ташкил қилинади. Улар энг зарур 4 турдаги махсус техника билан таъминланади. Бунинг учун бюджетдан тегишли маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Таҳлилларга кўра йўлларни сақлашга йўналтирилган маблағ таъмирлаш харажати бир неча баробар қисқартиради. Агар ўз вақтида пул ажратилиб, ички йўллар тўғри эксплуатация қилинса, уларни таъмирлаш муддатлари ҳам камида 2 баробар узаяди.

Шу боис мутасаддиларга ички йўлларни сақлаш ва таъмирлашни молиялаштириш бўйича янги механизмларни жорий этиш борасида кўрсатма берилди. Аҳоли талабидан келиб чиқиб, ички йўлларни таъмирлаш ва янгиларни қуриш ишларини давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Ў.А.

Сенат қўмитасида

ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси мажлисида "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди. Унда сенаторлар, Ёшлар парламенти ва қўмита ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзолари, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, ОАВ ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш, уни бозор активига айлантиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Шунга қарамай, бугунги кунда турли мезонларга таянган ҳолда ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга очик электрон танлов орқали ижарага бериш тартибининг ҳақиқий бозор баҳосини аниқлаш ҳамда ерга бўлган ҳуқуқни гаров-

га олган шахсларнинг гаров объектини адолатли реализация қилиш имконини бермапти.

Қонун билан Ер кодекси ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Йўловлар тўғрисида"ги, "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги, "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.



Мулоҳаза

ВАКОЛАТ ВА ИМКОНИЯТ

Халқаро курьерлик хизмати ва божхона брокери фаолияти янада кенгайди

Мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, курьерлик жўнатмаларини етказиб беришнинг замонавий механизми ва тартиб-таомилларини жорий қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда, аввало, божхона расмийлаштирувчи амалга оширишда божхона брокерлари хизматидан фойдаланиш тартибини белгилаш зарурати юзага келмоқда. Шу билан бирга, халқаро курьерлик хизматлари бозори кун сайин ривожланиб бормоқда. Бинобарин, истеъмолчиларнинг ҳозирги талабларига мослашишда кенг имкониятлар яратиш зарурати мавжуд.

Бу ҳақда сўз борганда Олий Мажлис Сенатининг энгил тўртинчи ялпи мажлисида "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига божхона брокери фаолиятини ҳамда халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш бўйича фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун сенаторлар томонидан маъқуланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки айни қонун ушбу фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солишда жуда муҳим.



Ўзбекистон ва Қозоғистон:

ТАРИХИМИЗ — МУШТАРАК, МАҚСАДИМИЗ — ЯГОНА

Ўзбек ва қозоқ халқи бир ўзандан сув ичган, тарихи, тақдири, илдизи туташиб, урф-одатлари, қадриятлари аънаналари уйғун. Азалдан бу икки халқ ўрта-сида қудда-андачилик, қон-қариндошлик мустаҳкамланиб келган. Айтиш мумкинки, жуғрофия бизни яқин қўшни қилиб қўйди, тарих эса биродарларга айлантирди. Шу сабабли бу иккала миллатнинг турмуш тарзида, тилида, адабиёти ва маданиятида умумий жиҳатлар кўплаб учрайди.

Нуктаи назар

Ўзбекистон Қозоғистоннинг энг яқин дўсти. Мамлакатларимиз ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида битим имзолангани ва алоқаларимиз ана шу руҳда давом этаётгани бунинг яққол исботидир. Бизни ягона ўтмиш боғлаб турганидек, биргаликдаги ривожланишнинг истикболли йўллари бардавом бўлишига ишончимиз комил. Раҳбарларимизнинг азму шижоати билан ўзаро алоқалар янада фаоллашди. Бу ҳам бўлса, ўзбек ва қозоқ халқлари табиатидаги мардлик, софдиллик, инсоний фазилатлар туйғуланди. Буюк қозоқ адиби Абай "Қозоқнинг келиб чиқиши ҳақида бирмунча сўз" номли мақоласида

ўзбек халқи ҳақида алоҳида тўхталиб: "...ўзбеклар эрмаган экин, улар олманган ҳосил, савдогарларнинг бермаган жойи йўқ... Хуллас, уларнинг қўлидан келмаган иш йўқ. Улар қозоқларнинг тиригига ҳам, ўлигига ҳам ярайди. Зийраклик, моҳирлик, эччилик, уддабуронлик ҳам шуларда, сиполик, одоб ҳам шуларда", деб қардош ўзбек халқига юксак баҳо берган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга бошланаётган навбатдаги давлат ташрифи ҳам иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ратификациясидан сўнг янги суръат олган икки томонлама

ҳамкорлик масалаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу ташриф Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ва Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг яқинда бўлиб ўтган саммитлари фондида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Унда икки томонлама масалалар билан бирга минтақадан ташқари муносабатларни ўз ичига олган ягона минтақавий кун тартибини ишлаб чиқиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинади.

Геосийёсий беқарорлик, бир-бирини қўриқиб турган ҳолатда бўлиб ўтган бир паллада Қозоғистон ва Ўзбекистон тўлиқ эркин савдо режимида ўтишни ва ўрта муддатли истикболда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 10 млрд. долларга етказишни режалаштирилмоқда, бу иқтисодий шерикликни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади.



Пунгон — Наманган йўналиши:

ТРАНСПОРТ ЎТКАЗУВЧАНЛИК САЛОҲИЯТИ ОШАДИ



Наманган вилоятида йўлсозлик соҳасида йирик лойиҳа ижросига старт берилди. Гап шундаки, пойтахтни Фарғона водийси билан боғловчи магистралнинг Пунгон — Наманган автомобиль йўлидаги 75 километрлик қисмида реконструкция ишлари бошланмоқда. Умумий қиймати 368 миллион долларга тенг лойиҳа Хитой Халқ Республикасининг "Citic construction CO. LTD" компанияси томонидан "молиялаштириш+лойиҳалаштириш+қурилиш" тамойилида амалга оширилмоқда.

— Поп, Чуст, Тўрақўрғон туманлари ва Наманган шаҳрининг кириш қисмигача қўзилган ушбу икки тасмали автомобиль йўлининг транспорт воситаларини ўтказиш имконияти ҳозирга келиб анча чекланиб қолган эди, — дейди вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Нурматов. — Мукамал ишлаб чиқилган лойиҳага кўра у замонавий трассага айланади. Биринчи навбатда, бутун масофага ҳозирги асфальт бетон қоплама ўрнига цементли бетон қоплама ётқизирилиб, тўрт тасмалига айлантирилади. Бу билан йўлнинг юк кўтариш қобилияти 13 тоннага етказилади.

Айтиш лозимки, реконструкция тадбирларида йўлнинг ҳаракат қисмини 25 метрга кенгайтириш билан транспорт воситалари қунилик ўтиш жадвалини ҳозирги 21 мингтадан 40 мингга етказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 14 та кўприк қайта қурилиб, йўл бўйида бир қатор замонавий инфратузилма иншоотлари ҳам барпо этилади.

Лойиҳа ижроси 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган бўлиб, реконструкция ишлари бўйича тўпланган халқаро тажрибалар кенг қўлланган ҳолда рўёбга чиқарилади.

«Дунё» АА.
Истанбул

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

«АЙҚУЛАШ» ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ ФОЛЬКЛОР АНСАМБЛИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА ИККИТА НОМИНАЦИЯДА ҒОЛИБ БЎЛДИ

Шу йилнинг 24 июль — 4 август кунлари Истанбул шаҳрининг Буюкчекмеже туманида халқаро маданият ва санъат фестивали бўлиб ўтди.

Илгирма бешинчи мартаба уюштирилган фестивалда 75 та давлат вакиллари иштирок этди. Унда Ўзбекистон номидан «Айқулаш» қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли қатнашди.

Биз ва жаҳон

Тадбирнинг очилиш маросимида Истанбул вилояти губернатори Экрем Имомўли иштирокчиларни қутлади. «Айқулаш» фольклор ансамбли томонидан ижро этилган ўзбек ва қорақалпоқ миллий кўшиқлари, куй ҳамда рақслари ийгилигиларда катта таассурот қолдирди.

Фестивалда қатнашган мамлакатимиз Бош консулхонаси дипломатлари ўз тақдимотларида Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлиги, Самарқанд, Бухоро,



Фарғона, Термиз ва Хива каби шаҳарларимиздаги тарихий обидалар ва муқаддас қадамжолар ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, туристлар оқимини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, туркомпанияларга тақдим этилаётган имтиёзлар, хорижий меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйи-

ча қўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида урғу берилди.

Қувонарлиси, «Айқулаш» қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли фестивал яқиний натижаларига кўра «Энг яхши ансамбль» ва «Энг яхши созанда» номинацияларида ғолибликни қўлга киритди.

ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



1 Хусусан, қишлоқ хўжалиги га мўлжалланган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага бериш ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарачиларига ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш, яъни қайта ижарага беришга рухсат этилмоқда.

Юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион, очик электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорларига кўра тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан беш йил ўтгач йўл қўйилиши белгиламоқда.

Шу билан бирга, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредит олиш учун гаровга

қўйилган ва кредит мажбурияти бажарилмаган тақдирда, кредиторлар томонидан мазкур ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқини ердан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби амалиётга киритилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга беришда турли баҳсли мезонларга таянган очик электрон танлов ўрнига шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган электрон онлайн-аукцион савдолари жорий этилишига ва бу орқали қишлоқ хўжалиги соҳасига янгидан-янги инвестициялар киритилишига хизмат қилади.

Муҳокама якунида қўриб чиқилган масала юзасидан сенаторлар ҳамда мажлис иштирокчилари томонидан қатор фикр-мулоҳазалар билдирилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ВАКОЛАТ ВА ИМКОНИЯТ

Халқаро курьерлик хизмати ва божхона брокери фаолияти янада кенгайди

1 Бугунги кунда божхона брокерлари фаолияти йўналишида ҳам айрим муаммоли ҳолатлар кузатишмоқда. Жумладан, декларациялаш бўйича хизмат кўрсатиш бозоридан нақд пул олиш орқали «қора брокерлар» фаолият юритмоқда. Ушбу фаолият йўналишида «яширин иқтисодиёт» улуши тобора кўпайиб борапти. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси билан декларацияловчи шахс ўртасида шартнома имзоланмаётгани оқибатида солиқ идораларида бундай молиявий амалиётлар ҳисобга олинмай қолмоқда.

Тахлилларга кўра 2021 — 2023 йилларда халқаро почта ва курьерлик орқали кириб келган жўнатмаларда жами 1 723 та ҳолатда божхона қонун бузилиши аниқланган.

Шунингдек, импорт ва экспорт фаолияти ҳужжатларини расмийлаштиришда етарли малакага эга бўлмаган мутахассислар, яъни ихтиёрий шахслар томонидан божхона декларациялари хато тўлдирилиши оқибатида божхона тўловларини нотўғри ундириш ҳолатлари учрамоқда. Бундай номақбул вазият божхона брокери фаолиятини юритиш учун рухсатнома бериш тартиби 2018 йилда бекор бўлгандан сўнг юзага келди.

Шу ўринда айрим рақамларга эътибор қаратайлик: 2022-2023 йилларда декларацияларини нотўғри тақдим этиш оқибатида 326 930 та ҳолатда 383,6 миллиард сўм қўшимча божхона тўлови ундирилган.

Божхона брокери сифатидаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсат бериш тартиби бекор қилингандан сўнг 2018 — 2023 йиллар мобайнида 156 534 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Ваҳоланки, 2016 — 2018 йилларда ушбу кўрсаткич атиги 4 409 тани ташкил этган.

Бундан ташқари, жўнатмаларни етказиб бериш фаолиятини амалга оширувчи курьерлик ташкилотлари учун аниқ

талаб ва мақомлар белгиланмаган. Бунинг оқибатида айрим ноҳалол тадбиркорлик субъектлари томонидан халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб беришда божхона тўловларини тўлашни четлаб ўтиш ҳолатлари учрамоқда.

Хизмат кўрсатаётган курьерлик ташкилотлари томонидан фуқароларнинг шахсий маълумотларидан ноқонуний фойдаланган ҳолда божсиз олиб кириш нормаси доирасида тижорат мақсадидаги товарларни мамлакатимизга олиб кириш каби ҳолатларга имкон яратиб берилмоқда. Бу, ўз навбатида, «яширин иқтисодиёт» улуши орттиришга сабаб бўлаётди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, халқаро курьерлик жўнатмалари фаолияти бўйича хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида Жаҳон божхона ташкилотига аъзо бўлган 100 дан ортиқ давлатлар божхона идоралари ўртасида сўров ўтказилган. Унда иштирок этган мамлакатларнинг 85 фоизи қонунчилигида божхона брокерлари фаолиятини амалга ошириш учун божхона органлари томонидан регулятив функциялар асосида белгиланган мезонларга мос бўлган шахсларга рухсат берилиши қайд этилган.

Энди яқинда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган тегишли қонун ҳақида сўз юритамиз. Янги қонун 4 та моддадан иборат бўлиб, «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиби-таомиллари тўғрисида»ги Қонунга божхона брокери ва халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Авалламув, божхона брокери ва халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш бўйича фаолиятини бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органнинг хабардор қилиш тартиби белгиланмоқда. Яъни ваколатли органларнинг хабардор қилиш тартибида олиб бориладиган фаолият турлари қаторига

қўшимча сифатида божхона брокери фаолиятини амалга ошириш ва халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш ҳам киритилмоқда. Бунда ушбу субъектлар ўз фаолиятини бошлагани ёки тугатгани тўғрисида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасини хабардор қилади.

Қолаверса, ваколатли органни хабардор этмасдан фаолиятни амалга оширганлик, шунингдек, хабардор қилиш тартибида фаолият юритиш учун белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилгани юзасидан ваколатли органга ёлгон ёки нотўғри маълумотлар берганлик учун муайян миқдорлардаги жарималар киритилмоқда. Жумладан:

- божхона брокери сифатида фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақидаги хабарнома бермасдан фаолиятни бошлаганлик учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари даражасида жарима;
- халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш бўйича фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабардор қилмаганлик учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари даражасида жарима қўлаш назарда тутилмоқда.

Ушбу қўшимчалар фақатгина божхона брокери фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларга тегишлидир. Бундай тартиб ўз номидан божхона органларига декларация тақдим қилмаган тадбиркорлик субъектларига таъбиқ этилмади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш ва божхона брокери сифатида фаолиятни амалга оширишда мавжуд қоидабузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
Олий Мажлис Сенати Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

То тирик экансан: КУРАШ, ИШЛА, ЁН!

Бугун 6 август. Чилла чиқди. Ёзинг «бели синди», у ортада қолмоқда. Аммо иссиқ кунларнинг тафти икки ҳафтагача сезилиб туради. Бамисоли қизган тандир астагина совиганидек, иссиқ ҳали-бери кетгиси келмайди. Ўзимизча, чилла чиқди, деб қувонамиз. Ёз ўтди, деб хурсандмиз. Тўғри, яна бир мавсум тарих, қадим мозий мулкига айланаётир... Шу онда мулоҳаза қилишимиз керакки, бу билан бизнинг умримиз ҳам ўтиб бормоқда.

Мушоҳада

Кунлар кетидан кунлар, ойлار кетидан ойлار илдамлади. Фасллар алмашди, йиллар ўтади. Ва шу ҳам аниқки, вақтнинг бешафқат долғаларида ҳаётимиз кемалари ҳам олиб бормоқда. Яна бир йилга тенг миқдорда сочимизга кумуш тола аралашди, умр қарвони деб аталмиш саёҳатимиз давом этмоқда. Ёшимиз улғайгани сари дунёқарашимиз, фикрларимиз ҳам ўзгариб боради.

Умринг ўткинчилигини англашимиз бизни ҳаётни янада кучлироқ севишга, қадрлашга, фойдали, ибратли ишларни кўпроқ амалга ошириб, ўзимиздан яхши из қолдиришга ундайди. Зеро, миллат учун, халқ учун, Ватан учун эзгу ишларни қилишга улғурш, вақтдан унумли фойдаланиш — инсонийлик бурчимиз.

Шоир Шухрат ёзганидек:

То тирик экансан: кураш, ишла, ён!
То тирик экансан: сев, севиб, қувон!
То тирик экансан: изла, қўйор, топ!
То тирик экансан: иштил, юксал, чоп!..

Тириклигимиз Яратганга шукрона келтиришимизга асос бўлиши билан бирга, ҳайри мақсадлар йўлида курашишга, севиб-севилишга, изланишга, интилишга, юксалишга имконият эканини унуттишга ҳаққимиз йў!

Шерзоджон ҚУДРАТХҲҲА,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ФРАКЦИЯЛАРИДА

ҲАЁТИЙ ЗАРУР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб Қонунчилик палатаси депутатларининг шу йил 24 — 27 июль кунлари ўз сайлов округларидаги фаолиятига доир масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур учрашувлар давомида халқ вакиллари аҳоли хонадонлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектларига бориб, фуқаролар, тадбиркорлар, жамоатчилик вакиллари ва ёшлар билан юзма-юз мулоқот қилгани, сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар ва мулоқотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бориши, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти етказилгани қайд этилди.

Шунингдек, қўйилган палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди. Асосий эътибор қонун лойиҳаларининг ижтимоий аҳамиятга эгаллиги, долзарблиги, муҳими, аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларига мослигига қаратилди.

Тадбиркорлар учун кафолатланган эркин муҳит ва шароитлар

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш учун қонунчилик ҳужжатлари тарқоқ ҳолда ва низоҳатда кўп миқдорда қабул қилинган бўлиб, соҳага оид 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Бу ҳолат улар ўртасида коллизияларни келтириб чиқармоқда, зарур бўлган қонунчилик ҳужжатини топиш ҳамда амалда қўллашда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Ушбу кодекс лойиҳасига 8 та қонун ва 20 дан ортиқ қонуности ҳужжатларини унификация қилиш орқали соҳадаги муносабатларни ягона ҳужжат билан тартибга солиш, давлатнинг аралашувини камайтириш, айна чоғда тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасида ягона ёндашушни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан ишбилармонлик фаолиятининг қонунийлик, тадбиркорлик эркинлиги, субъектлар тенглиги, ҳалол рақобат, виждонлилик презумпцияси, коррупциядан ҳолилик каби асосий принциплар ҳам мустаҳкамланган. Тадбиркорлик субъектлари эса кичик, ўрта ва йirik тоифаларга ажратилган.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳаси ҳар томонлама маромига етказилгани, қўллаб-қувватлаш лойиҳа матнида акс этганлигига ургубериб, бир қатор аниқлаштирувчи саволларни ўртага ташлашди. Айрим нормалар юзасидан тушунтиришлар сўралди.

Қонун ташаббускорлари депутатлар кўтарган ҳар бир масала бўйича асосланган тушунтириш бериб ўтди. Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида фракция аъзолари ҳам фаол қатнашгани, улар томонидан илгари сурилган тақлифлар кодекс лойиҳасида акс эттирилгани айтилди.

Фракция аъзоларининг фикрича,


ЎзЛиДеП сайловолди дастурида бизнес юристининг олис истиқболга мўлжалланган имкониятини таъминлаш, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасини тартибга солиш учун қонун ҳужжатлари мавжудлиги инобатга олиниб ҳамда давр талабларидан келиб чиқиб, соҳадаги қонунчиликни янада тақомиллаштириш ва либераллаштириш мақсадида ягона Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур кодекс лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар партия электорати бўлган тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

Мажлисида «Микромолиялаштириш соҳаси тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.



Аҳолига микромолия хизматларини кўрсатиш янада тақомиллашди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилишида кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — «Микромолиялаштириш соҳаси тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан банк хизматларини рухсат этилган шартлар асосида кўрсатиш ваколатига эга бўлган юридик шахс — микромолия банклари институтини жорий қилиш, микромолия ташкилотларини микромолия банкларига ва микромолия банкларини тижорат банкларига ҳамда аксинча трансформация қилишнинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда.



Депутат Ж. Абдурашуловнинг маълум қилишича, қонун лойиҳасининг мақсади банклардаги омонатларни кафолатлаш тизими ишлаши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унда Омонатларни кафолатлаш агентлиги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг бошқарув органлари, жумладан, Кенгаш аъзолари, бош директорни тайинлаш мезонлари, Кенгаш аъзоларининг ваколатларини тугатиш асослари назарда тутилмоқда.



Тартибда ўтказиладиган 17 турдаги текширувлар рўйхатлари мазкур кодексга илова сифатида тасдиқланган, рўйхатга киритилмаган барча текширувлар Бизнес-омбудсман билан келишилган тартибда амалга оширилиши тақлиф этилган.

Муҳокама давомида фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасидаги айрим моддалар бўйича қатор саволлар кўтарилди. Хусусан, депутат Т. Чориев лойиҳанинг 28-моддасидаги қўша қорхоналар ташкил этиш тўғрисидаги норма нима учун чиқариб ташланаётгани сабаби билан қизиқди.

Қонун ташаббускорлари ушбу масала юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Депутат А. Умиров мазкур лойиҳа юзасидан ўз фикрларини билдириб экан, ушбу ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита ва ишчи гуруҳ аъзолари томонидан муайян ишлар амалга оширилгани айтиб, лойиҳага киритилган ўзгартиришлар тўғрисида тўхталди.

Маълум қилинганидек, ўтган даврда кодекс лойиҳасидаги бошлар мундариши, жойлашуви, моддалар мазмуни ва қонунчилик техникаси талабларидан келиб чиқиб, ундаги айрим бошлар чиқариб ташланмоқда. Айрим бошларнинг номланиши эса ўзгартирилди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Тарқоқ қонунчилик ҳужжатлари ягона ҳужжатга бирлаштирилади

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари мазкур жараёнда партия сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, тахлилий ёндашди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан тадбиркорлик фаолиятининг қонунийлик, тадбиркорлик эркинлиги, субъектлар тенглиги, ҳалол рақобат, виждонлилик презумпцияси, коррупциядан ҳолилик каби асосий принциплари мустаҳкамланган.

Шунингдек, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг чегаралари ва тартибга солиш шакллари ҳужжат лойиҳасида ўз аксини топтоқда. Қолаверса, 39 та давлат органининг 147 та назорат функцияси ва Бизнес-омбудсманни хабардор этиш

Айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида «Микромолиялаштириш соҳаси тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан микромолия ташкилотлари ва тижорат банкларни ўртасида «занжир» яратиш, шунингдек, микромолия ташкилотлари учун қўшимча молиявий ресурслар жалб қилиш имкониятини йўлга қўйиш, микромолия ташкилотларини микромолия банкларига ва микромолия банкларини тижорат банкларига ҳамда аксинча трансформация қилишнинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида «микромолия банки» тушунчаси, у томонидан амалга оширилаётган фао-

лият турлари, микромолия банки устав капиталининг энг кам миқдори, Марказий банк томонидан микромолия банки фаолиятини тартибга солиш белгиланаётир.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши аҳолининг кенг қатлами тадбиркорлик ташаббуслари қўллаб-қувватлашига, худудларда микромолиявий хизматлардан фойдаланиш кўламининг ошишига хизмат қилиши эътироф этган ҳолда, лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволларни ўртага ташлашди. Шу билан бирга, қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш ва маромига етказиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Халқаро амалиёт ва тамойиллар татбиқи

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасида инвесторларнинг кафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари белгиламоқда. Шунингдек, лойиҳада мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини яратиш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, амалдаги инвестиция қонунчилигининг илғор халқаро стандартлар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мослаштиришга қаратилган нормалар акс этаётир.

Мазкур қонун лойиҳаси билан инвестиция соҳасидаги асосий халқаро тан олинган амалиёт ва тамойиллар ҳам жорий қилинмоқда. Хусусан, «инвестиция фаолияти» тушунчасида инвесторнинг таваккалчиликка асосланган, узок муддат давомида бўлиши, маҳаллий иқтисодиётга фойда (ижобий натижа) келтиришига қаратилган борасидаги халқаро тан олинган «Салони» тамойили акс эттирилган.

Муҳокама давомида фракция аъзоси Р. Бегматов қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, лойиҳанинг 6-моддаси бўйича аниқлаштирувчи саволларни ўртага ташлади. Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар юзасидан аниқлаштиришлар берди.

Уларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан инвесторларнинг кафолатлари ва эркинликлари аниқ баён этилади, бундай ҳуқуқ ва кафолатларни қўллаш бўйича инвесторларнинг турли талақларини ва чалқашликларга барҳам берилади.

Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, қонун тартибидида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон делегацияси Жидда шаҳрида бўлиб ўтаётган Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар юқори мансабдор шахслари мажлисида қатнашмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон:

ТАРИХИМИЗ — МУШТАРАК, МАҚСАДИМИЗ — ЯҒОНА

Ўзбекистон — Ўзбекистоннинг ташқи савдодаги энг йирик ҳамкорларидан бири. Сўнгги етти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш икки баробардан ортиқ ўсиб, 2023 йил охирида 4,4 млрд. долларга етди. Жорий йилнинг тўрт ойида бу кўрсаткич 1,2 млрд. доллардан ошди. Сармоявий ҳамкорлик юқори суръатда намойён бўлмоқда. 2017 йилдан бошлаб Қозоғистондан Ўзбекистонга инвестиция ҳажми 23 баробар ошди. 2023 йилда Қозоғистондан Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 202 млн. долларни ташкил этгани ҳолда, 2024 йилнинг биринчи ярмида уларнинг ҳажми 222 млн. долларга етди. Ўзбекистонда Қозоғистон капиталига эга корхоналар сони 3,7 баробар ошди, бу эса ҳамкорлик лойиҳаларига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганини тасдиқлайди.


Шунингдек, санат кооперацияси доирасида умумий қиймати 3,1 млрд. доллар бўлган 69 та лойиҳани амалга ошириш, бунинг натижасида 14,7 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. 217 млн. долларлик 12 қўшма лойиҳа муваффақиятли амалга оширилиб, 4,5 мингга яқин иш ўринлари очилди. Умумий қиймати 178 млн. доллар бўлган учта инвестиция лойиҳаси, жумладан, Тараз шаҳрида 500 минг тонна пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга электрометаллургия заводи қурилиши кўзда тутилган. Ўзбекистоннинг Қозоғистонга йирик инвестициялари 2020 йилда "Alliance" компанияси томонидан 45,9 млн. долларлик йигирув фабрикасини реставрация қилиш лойиҳасидан бошланган ва у 2023 йилда фойдаланишга топширилди. 2022 йилда "Antel" компанияси Қозоғистон бозорига кириб келди ва Қарағанда вилоятда маиший ошона жиҳозлари ишлаб чиқариш заводи қурилишига икки йил давомида 52,5 млн. доллар сармоя киритди. Яна бир лойиҳа "Узавтосаноат" компаниясига тегишли бўлиб, "СариарқаАвтоПром" заводи негизда "Chevrolet Onix" автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган. Лойиҳа қиймати 50 млн. долларга баҳоланган, инвестор-компания лизинг дастурлари ёрдамида қўшимча молиялаштиришни жалб қилиш имкониятларини кўриб чиқмоқда.

Қозоғистон статистика идораси маълумотига кўра, ҳозир Қозоғистонда Ўзбекистон капиталли иштороқда 2,3 мингга корхона рўйхатга олинган. Уларнинг аксарияти қисми кичик корхоналар тоифасига киради, улгуржи ва чакана савдо, автомобилларни таъмирлаш, қурилиш, ишлов бериш саноти, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тақдим этиш соҳаларида фаолият олиб боради. Ўзро ҳамкорлик ҳақида сўз борар экан, аввало, иттифоқчилик муносабати тўғрисидаги шартномада белгиланган тамойиллар асосида сиёсий ишончли мустаҳкамлаш, барча даражадаги мунтазам сиёсий мулоқотни давом эттириш ва янада кенгайтириш муҳим. Дўстона алоқалар ва мамлакатлар ўртасидаги яхши қўшничилик муноса-

Ўзбекистон — Қозоғистоннинг энг яқин дўсти. Мамлакатларимиз ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида битим имзолангани ва алоқаларимиз ана шу руҳда давом этаётгани бунинг яққол исботидир. Бизни яғона ўтмиш боғлаб турганидек, биргаликдаги ривожланишнинг истиқболли йўллари бардавом бўлишига ишончимиз комил. Раҳбарларимизнинг азму шижоати билан ўзаро алоқалар янада фаоллашди. Бу ҳам бўлса, ўзбек ва қозоқ халқлари табиатидаги мардлик, софдиллик, инсоний фазилатлар туфайлидир.

Ўзаро муносабатларнинг илдам ривожланишида давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқоти муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Президенти 2017 йил март ойида ўзининг илк давлат ташрифини Қозоғистонга амалга оширган диққатга сазовор. Ташриф чоғида 13 та ҳужжат, жумладан, 2017 — 2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси имзоланди, икки мамлакатдан 500 дан зиёд тадбиркорлар қатнашган санат ярмаркаси ва бизнес-форум ўтказилди. Шунингдек, 2021 йил 5-6 декабрь кунлари, яъни Ўзбекистон етакчисининг президентлик лаозимида қайта сайланганидан кейинги илк хорижий ташрифи Қозоғистонга бўлганида ҳам катта маъно муҳассам.

2019 йил 14-15 апрель кунлари Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистонда Қозоғистон йилнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Қозоғистон Президентининг 2022 йил 21-22 декабрь кунлари ҳамда шу йил апрель ойида мамлакатингизга амалга оширган ташрифлари Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаш-



тиришга алоҳида туртки берди. Умуман, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги мунтазам ташрифлари турли соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга доимий интилишдан далолат беради. Ўзаро ҳамкорлик МДХ, ТДТ, ОХИЧК, ШХТ каби кўп томонлама форматлар доирасида ҳам амалга оширилмоқда. Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик ва тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш бўйича келишувларга эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳудудларо ҳамкорлик форумлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Сиёсий мулоқотлар, ўз навбатида, иқтисодиётлар бир-бирини тўлдиршига замин яратмоқда, натижада санат ва технологик ривожланишнинг умумий маконини шакллантириш гоъяларини амалга ошириш зарурати юзага келаётир. Бу нафақат рақобатбардош устунлик, янги иш ўринлари ва технология салоҳият

Трансафғон йўлагининг қурилиши Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини қисқа ва теҳамкор транспорт йўналиши билан боғлашга ёрдам беради, бунда Ўзбекистон ва Қозоғистон темир йўл тармоқлари фаол иштирок этади, бу эса уларнинг рентабеллигини оширади. Кези келганда айтиш жоизки, Ўзбекистон — Қозоғистон ўртасида олий таълим соҳаси янги босқичда, халқро форматда тараққиётга эришгани кўзга ташна. Олий таълим ва ундан кейинги таълим соҳасида ҳамкорлик бугун икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, транспорт-логистика йўналишларини жадал ривожлантириш, тармоқлар ва соҳаларни кадрлар билан таъминлашга асос бўлмоқда. Ўзбекистонда қозоқ тили ва адабиёти, Қозоғистонда эса ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш йўлга қўйилгани, таълим, илм-фан соҳасидаги инновацион лойиҳалар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Утган етти йилда институционал ислохотларда университетларро 230 дан ортиқ шартнома ва меморандумлар имзолангани назарий-амалий ҳамкорликни жадаллаштирди.

Биламизки, бугунги кунда Ўзбекистонда 6 та олий ўқув юртида қозоқ тили ва адабиёти йўналишида кадрлар тайёрланади. Хусусан, Гулистон ва Қорақалпоқ давлат университетларида "Филология ва тилларни ўқитиш: қозоқ тили" бакалаврият таълим йўналиши мавжуд. Ташкент ва Чирчиқ давлат педагогика университетлари, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтларида бакалавриятнинг она тили ва адабиёт, қозоқ тили ва адабиёти йўналишларида 300 дан ортиқ қозоғистонлик ёшлар таҳсил олмақда.

Энг асосийси, мамлакатларимиз муносабатларини мустаҳкамлаш орқали минтақа ва дунё давлатлари учун ўрнатилган бўлмоқда. Бу минтақадаги бошқа давлатлар томонидан муҳим формула сифатида қўлланиши мумкин. Зеро, Марказий Осиёдаги барқарорлик ва фаровонлик минтақадаги барча давлат ўртасидаги ишончли алоқаларга асосланади ва ривожланади. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги барқарорлик минтақада инфратузилма, энергетика, транспорт соҳаларида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни ундаш учун шарт яратди. Ўз навбатида, бундай лойиҳалар мамлакатларимиз ривожланишининг драйвери бўлиши ҳамда хорижий инвесторлар учун жозибадорлик ошишига хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатларимиз раҳбарларининг узққни кўзлаб юритаётган сиёсати туфайли тақдир туташ икки халқ дўстлиги, ўзаро ҳамкорлиги янада самарали кечмоқда, ришталар мустаҳкамланмоқда. Шубҳасиз, бу муносабатлар дунё тараққиётга асос бўлишига эришди. Зотан, Қозоғистон Президенти таъкидлаганидек, "Қозоқ — ўзбек тандеми ҳаётий зарурат бўлиб, фақат уюшибгина мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашимиз мумкин".

Алимбек ЖУМАНОВ, Шимкент университетининг Иқтисодиёт ва бизнес кафедраси профессори, Қозоғистон

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Ижро, масъулият ва назорат

Бош прокурор Н. Йўлдошев бошчилигида Ёқилги-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика штабининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.



Унда Президентимизнинг "Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси ҳамда ёқилги-энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, етказилган зарарларни ундириш борасида бажарилган ишлар ахволи танқидий муҳокама қилиниб, келгусидаги зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Франция авиакомпанияси Навоий вилоятига илк парвозини амалга оширди



Кеча Франциянинг "CMA CGM Air Cargo" транспорт-логистика авиакомпанияси Чэньчжоу — Навоий — Париж йўналиши бўйича илк парвозини амалга оширди. Самолёт маҳаллий вақт билан соат 06:27 да Навоий халқро аэропортига қўнди.

Аънаанага кўра, юк ташувчи самолёт сув аркаси билан тантанали равишда кутиб олинди. Таъкидлаш жоизки, Чэньчжоудан Парижга мунтазам рейслар Навоийда техник тўхташ билан ҳафтасига 5 марта "Airbus A330" юк ташувчи самолётларида амалга оширилади.

Ҳамюртимиз — халқро олимпиада волиби

Жорий йилнинг июль ойида Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Халқро математика олимпиадаси ўтказилди.

Унда пойтахтимиздаги "Pifagor School" хусусий мактаби ўқувчиси Жавоҳир Муҳаммадов муваффақиятли иштирок этиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Таъкидлаш жоизки, дунёнинг ўттизга яқин давлатлардан келган юздан ортиқ ўқувчлар орасида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамюртимиз айни вақтда мазкур мактабнинг 9-синфини тамомлади.

Малака ошириш учун — Германияга

28 нафар ўзбекистонлик немис тили мутахассиси малака ошириш учун Германияга жўнаб кетди. Улар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Савдо-санот палатаси ҳамда германиялик ҳамкорлар томонидан республика бўйлаб саралаб олинди.



Улар 8 ҳафта давомида Германияда малака ошириб қайтган, ёшларни "Ишга марҳамат" мономарказларида немис тилига ўқитиб, уларнинг тил кўникмаларини ошириш борасида фаолият олиб боради. Мазкур лойиҳа доирасида жами 168 нафар немис тили мутахассиси 5 йил давомида босқичма-босқич Германияда тил малакаларини ошириши кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

САРБОЗОРЛИК 33 НАФАР ЁШ ИШЛИ БЎЛДИ

Республикамизда меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва тараққиёт этган мамлакатлар қаторига қўшилишини муҳим омил ҳисобланади. Масаланинг долзарблиги шундаки, меҳнатга лойиқлиги ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил қилади. Дунё таърибасида бу каби масалаларнинг ечими ва аҳолининг бандлигини кенгайтириш имконияти кўп жиҳатдан ўзини ўзи иш билан таъминлашга боғлиқ.

Бандлик

Юртимиз ёшлар сиёсатида устувор вазифа сифатида барча раҳбарларга ҳудудлар кесимида, аввало, ишсиз, норасмий секторда банд бўлган ва чет элга ишлаш учун кетган йигит-қизлар билан тизимли ишлаш вазифаси алоҳида қайд этилган. — Жорий "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 7 январдаги "2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш дастури тўғрисида"ги қарори асосида институтимизга Навбахор тумани "Сарбозор" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган 47 нафар 30 ёшгача бўлган

йигит-қиз бириктирилган, — дейди Навоий давлат педагогика институти ректори Муҳиддин Калонов. — Улар билан мулоқотлар чоғида муаммолари ўрганилиб, ўринли муурожаатларга ижобий ечим топиломоқда. Хусусан, маҳалла ёшларидан бир гуруҳига тикувчилик, сартарошлик ва пайвандлаш хунарларининг анжомлари олиб берилиб, ўзини ўзи банд этиши таъминланди. Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Сарбозор маҳалласида бугунги кунда 2 561 нафар аҳоли истиқомат қилса, уларнинг ярмидан сал охириги 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Айни пайтда институт қўмаги билан маҳалланинг ишсиз ёшларидан 33 нафарининг ижтимоий бандлиги таъминланди. Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ БАРҚАРОРЛИгини ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИДАН БИРИ

Молиявий саводхонлик — фуқаронинг молиявий маҳсулотлар ва хизматлар бозоридида фаол позициясини эгаллаши, жамиятда ўзи ва оила аъзоларининг молиявий фаровонлигини ошириш учун билим ва кўникмаларини намойён этадиган ижобий хусусият.

Фикр

Бинобарин, инсон ҳаёти давомида етарли даражадаги турмуш фаровонлигига эга бўлиши ўзи томонидан қабул қилинаётган молиявий қарорларнинг самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода айтиш жоизки, молиявий саводхонлик аҳолининг пул маблағларини қайта тақсимлаш ва инвестиция қилиш ҳамда фаровонлигини ифодаловчи муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишда тадбиркорлик субъектлари ва молиявий ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари ва сугурта компаниялари томонидан молиявий ресурсларни режалаштириш ва бошқариш, тўлов хизматлари, омонат ҳисобварақлари, кредит, ташқи иқтисодий фаолият, сугурта хизматлари кўрсатилишининг шартлари, қоидаларини кенг оммага етказиш орқали уларнинг молиявий билим ва

кўникмаларини оширишга эришиляпти. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида аҳоли ва тадбиркорлар томонидан тижорат банклари хизматларидан фойдаланиш даражаси ошиб бораётгани кузатиломоқда. Бу эса Марказий банк асосий ставкаси ёки ундан паст даражада имтиёзли кредитлар ажратилаётганининг самарасидир. Аҳолига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик гоъяларини қўллаб-қувватлаш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида турли давлат дастурлари доирасида ажратилаётган имтиёзли кредитлар миқдорларини молиявий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кредит расмийлаштириш ва ундан фойдаланиш орқали банк ва миқоз ўртасидаги муносабатлар яхшиланмоқда, аҳолининг молиявий жиҳатдан қарашлари юксалмоқда. Шу билан бир қаторда, ташкилотлар томонидан ўз миқозлари ўртасида молиявий саводхонликни юксалтиришга қаратилган таълим дастурлари амалга оширилиши бу йўналишдаги кўрсаткичларнинг ҳажми ва сифати орттишига ижобий таъсир кўрсатаяпти. Таҳлилларимиздан шу нарса аён

бўляптики, молиявий саводхонлик — кишини ижобий хулқ-атворга, таянч иқтисодий билимга, қўникма ва малакаларга эга бўлишга ўргатади, шу билан бир қаторда, унинг ўз ҳақ-хуқуқларини билиши, турли молиявий иқтисодий хатарларни тўғри баҳолаш олишини аниқлатади. Мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш ҳуқуқмат, молия ташкилотлари, таълим муассасалари ва оммавий ахборот воситаларининг сайё-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Таълим, ахборот ва амалий ёндашувларнинг интеграцияси аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини юксалтириш ва уни амалга ошириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг самарали усули ҳисобланади. Молиявий жиҳатдан саводли аҳоли турли таҳдидларга бардошли, маълумотларни тўғри ва чуқур таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлади. Молиявий саводхонлик аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ва мамлакат молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради. Бу мамлакатнинг барқарор ривожланишида муҳим шартлардан биридир. Абдурахим ВАҲОБОВ, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотида кўра, сўнгги етти йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 2,4 баробар ошиб, ўтган йилда 4,5 млрд. АҚШ долларига етди.

«Париж — 2024» кундалиги

Икки боксчимиз Олимпия ўйинлари финалида

Париж шаҳрида давом этаётган Олимпия ўйинларининг навбатдаги кун баҳслари ниҳоясига етди. Мусобақа тобора қизиқарли тус олиб, қатор медаллар шодаси ўз эгаларига топшириб бориляпти.



Дам олиш кунлари Ўзбекистон спорт делегацияси совринли ўринларни қўлга кирита олган бўлса-да, икки боксчимиз — Хасанбой Дўстмуродов ва Лазизбек Мулложонов финалга йўл олиб, олтин медаль учун курашни давом эттиришди.



Х. Дўстмуродов (-52 кг.) турнир ярим финалида Кабо Верде мамлаката боксчиси Давид де Пинага қарши тўқнаш келди. Ушбу жанг боксчимиз рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмай 5:0 ҳисобида ғалабага эришди. Энди боксчимиз навбатдаги Олимпия ўйинларидаги ўзининг иккинчи олтин медалини қўлга киритиш учун франциялик Билал Беннамага қарши рингга кўтарилади. Ушбу жанг 8 августдан 9 августга ўтар кечаси бўлиб ўтади. Маълумот учун, Хасанбой Тошкентда 2023 йилда уюштирилган жаҳон чемпионати финалида ҳам айнан Беннама билан тўқнаш келган ва рақибини муддатидан олдин мағлуб этганди.

Оғир вазнли боксчимиз Л. Мулложонов (-92 кг.) Париж Олимпиадасида доирасидаги яримфинал жангида тожикистонлик Давлат Болтаевга қарши кечган бешлашувда 4:1 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга чиқди. Лазизбек асосий баҳсда асли кубалик, ҳозирги кунда Озарбайжон шарафини ҳимоя қилаётган Альфонсо Домингесга қарши рингга кўтарилади. Жанг 10 август кuni ўтказилиши режалаштирилган.

Узунликка сакраш бўйича саралаш баҳсларида қатнашган Анвар Анваров 7,77 метр натижа билан финалга чиқа олмади. Велосҳосо гуруҳ пойғаларида икки аёл спортчимиз — Ольга Забелинская маррага 70-бўлиб етиб келган бўлса, Янина Кускова бироз яши натижа қайд этиб, 51-ўринни эгаллади.

Сафина Садуллаева энгил атлетиканинг баландликка сакраш мусобақасининг финал босқичида иштирок этиди. Афсуски, 1,98 метрга сакрашда унга омад етишмади. Сафина турнирни 1,95 метр натижа билан 7-ўринда якунлади.

Олимпия ўйинларининг бошқа спорт турларида ўзига хос натижалар қайд этилаётгани мутахассису мухлислар қизиқишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, сербиялик Новак Жокочич турнир финалида испаниялик Карлос Алькарасга қарши кортга чиқди. 2 соат 51 дақиқалик мурасасиз ўйинда Жокочич 7:6, 7:6 ҳисобларида ғалаба қозонди ва Олимпиада чемпионига айланди. Таъкидлаш лозимки, 37 ёшли Жокочич ўз фаолиятида илк бор Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритди. У бунгача теннисдаги барча мусобақаларда голиб чиққан эди.

Энгил атлетиканинг 100 метрга спринт югуриш баҳсларида голиб ва совриндорларни аниқлашда фотофиниш хизматидан фойдаланилди. Унда АКШ вакили Ноа Лайлс 9,784 секунд билан олтин медалга сазовор бўлди. Кумуш медаль голибдан сонянинг мингдан беш қўрсаткичида ортда қолган, яъни 9,789 натижани кўрсатган ямайкалик Кишан Томпсонга насиб этди. Бронза медалига эса америкалик бошқа спортчи Фред Керли эга чиқди.

Олимпия ўйинларида 21 та олтин, 17 та кумуш, 14 та бронза — жами 52 медални қўлга киритган Хитой вакиллари умумжамоа ҳисобида пешқадамга айланиб олди. Кейинги ўринлардан АКШ (19 та олтин, 29 та кумуш, 27 та бронза, жами 75 та медал) ва Австралия (13 та олтин, 11 та кумуш, 8 та бронза, жами 32 та медал) терма жамоалари ўрин олишган.

Ўзбекистон спорт делегацияси эса битта олтин ва иккита бронза медали билан 33-ўринни эгаллаб турибди.

С. ИСЛОМОВ («Халқ сўзи»).

УНУТИЛАЁЗГАН ЭЗГУЛИК ЖАРЧИЛАРИ

ЁКИ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРДАН ЙИРОҚЛАБ БОРАЁТГАН АВЛОД ҲАҚИДА

Ҳаракатланиш, мушоҳада юритиш, ўйлаш ва тезда ечим топишга ундайдиган ўйинлар боланинг ҳам ақлдан, ҳам жисмонан, ҳам руҳан ривожланишига ёрдам бериши билан катта аҳамиятга эга. Улар навқирон авлод вакиллари соғлом, теран фикрли бўлишига кўмакчи бўлади, шунингдек, жамиятга уйғунлашувига хизмат қилади. Афсус билан қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда нафақат мамлакатимиз, балки дунё болалари электрон қурилмаларда ўйналадиган ўйинлар асирга айланди. Тўғри, улардаги ўйинлар тасаввурни бойитиши, ақлни чарклаши мумкин, аммо барчаси ҳаракатсиз ўйинлардир.

Огоҳлик қўнғироғи

Қиёслаш учун икки манзара

Сўзимиз аввалда бизга қуйидаги икки ҳолатни тасвирлаш орқали нималарга эришдиғи нималарни йўқотдиқ, топганларимиз қанчалик заруру йўқотганларимиз қанчалик қадрли эканини ҳис эттиришга ҳаракат қиламиз.

...Қишлоқ. Тонг. Пастаккина уйлар, олис-олисларга узанган дала-лар, қўрада маъраётган қўй-қўзи, аёхён-аёхёнда вовуллаётган қучук, тан-дирдан нон узаётган келинлар... Ён-атрофга қўйи илқ нурларини сочиб турибди, осмонда момик булутлар кезмоқда, гоҳ-гоҳида шабада эсади.

Салқин сояли дарахтлар томондан болаларнинг шўх-шодон қўнғилари, хушқачқак овозлари эшитилади. Улар ота-онанинг даққасию чакчирилари қарамасдан турли ўйинлар ўйнашда давом этмоқда. Аввалига қувлашмачқ ўйнашда, кейин бекинмачқ, шунингдек, «оқ теракми» — кўк терак?, «ошқ», «хала-хала» ҳам уларнинг қўнғилик ўйинларидан қўй олган. Гирчи бу ўйинларда кимдир ютказсади, кимдир ютади, аммо улар шашт билан яна давом этишади. Ора-орада бир-бирдан ранжиш, бахсу тортишиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Шуни қувонарликки, улар кун якунида яна дўста айлиниб, бир-бири билан эртага ҳам ўйнашга келишиб олади. Шу тариха кундуз ўрнини тун эгаллайди. Уйинга тўймаган, голибдирдан умидини узмаган баъзи болалар кўчада яна бироз қолади, баъзилари эса уйга қайтиб, эртани кун учун ажайиб режаларни туза бошлайди.

...Шаҳар. Тонг. Осмонпўр бино-

лар, равон ва кенг йўллар, баҳаво кўчалар, катта йўлдан зувуллаб ўтаётган машиналар, сигнал овозлари, қарағдерди шовиллаётган одамлар... Кўёш хамон атрофга сажийлик билан нур сочади, осмон оппоқ булутлар билан безанган, шамол эсиши кўнғилга ўзгача хузур бағишлайди.

Кўп қаватли уйлар остидаги сўлим богда қурилган ўйингоҳда бирор болаканинг овози, қулгиси, шодон қўйқирғи эшитилмайди, чунки улар айни пайтда қўларидида гаджету те-лефонларда қандайдир ўйинга ове-ра. Кўп қаватли ўйиннинг 5-қаватидан овоз эшитилади: «Аборр, хой Аборр! Уйга кир, даданг чакиряпти, эр-талабдан нима бор кўчада? Тез бўл! Эркатой ўғил онасининг сўзларига парво ҳам қилмай дўстларига сўнгги ўйинларда йиққан баллари, ўтган босқичлари ҳақида мактабидида бир-бири билан ўйнашди.

Болалар аввалига бир-бирларига қарамасдан турли ўйинлар ўйнашда давом этмоқда. Аввалига қувлашмачқ ўйнашда, кейин бекинмачқ, шунингдек, «оқ теракми», «Counter Strike», «Clash of Clans» каби ўйинлар ҳам уларнинг доимий ва сеvimлилари қаторида туради. Бу ўйинлар қизиқ бўлишига қарамай, ҳаракатдан йироқ, ақлни чарклаши қўйиб, бироз қизиққон болалар ундан бош кўтаргани келмайди. Одатда, ўйин давомида кимдир кимдир отиб қўйгани ҳақиқий урушга сабаб бўлади.

Шуни қувонарликки, улар кун кеч бўлмасидан уй-уйига тарқалишади, бир-бирига ёвқараш қилишади, хатто дўстлик ришталарига дарз кетиши ҳам мумкин. Уйинга тўймаган баъзи болалар кўчада қолади, баъзилари эса уйга қайтиб яна телефон ёки компьютерга муккасидан кетади...

Кимдир қоралаш ёки оқлаш ниятидан, нима яхшию нима ёмон-

лигини кўрсатишдан йироқмиз. Хулоса чиқариш эса ўзингизга ҳавола.

Халқ ўйинлари — ҳаёт мактаби

Инсон умри ўтиб, қадди бўқилгани, соңига оқ, юзига ажин, қўлига асо тушгани сайин болагинини кўмсай бошлайди, унинг покиза, ҳаётнинг ташвишу юмушларидан холи даврига қайтиш тарқи қалбини бир лаҳза ҳам илқ этмайди. Бироқ на илож...

Одамнинг болагини қанчалик ранг-баранг, бахтли ва қувончли дамларга, айниқса, турфа ўйинларга ҳамоҳанг ўтган бўлса, шунчалик эсда қолиши рости. Дейлик, бундан 30 — 40 йил илгари, ҳали ҳаётимизга электрон қурилмалар кириб келмаган пайтларда болагини ўтган одамлар ўша онларни бошқача эслаши, соғиниши тайин. Аммо, шуни қизиқки, бугунги авлод улғайтач, болагини қандай эслар экан? Мазъе-лар даврини телефон ва планшетларга муккасидан кетиб, интернет кафедраларда шифқатсизлик жо бўлган, инсонийликдан йироқ ўйинларни ўйнаб ўтказган авлод у кунларни соғинармики? Саволлар кўп, жавоблар эса, афсуски, ҳали мавҳум.

Дарҳақиқат, асримиз ахборот, дан ва техника юксак тараққий этган давр. У бизга мисли қурилмаган энгилликларни тақдим этди, ишларимиз сифат ва сон жиҳатдан яхшиланди, узогимиз яқинлашди... Лекин тан олиш керак, бу замон ўзи билан бир қатор муаммоларни ҳам олиб келди. Хусусан, келажак авлод эгалари турли электрон қурилмалар — телефон, планшет, компьютер ва ҳоказоларга ружу қўйди. Турри, уларнинг бу техникаларни билиши фойдали, иш унумдорлигини оширади, бошқалардан бир қадам олдинда юришларига туртки беради. Таас-суфки, ушбу замонавий қурилмалардан фақат ўйин ўйнаш мақсадида фойдаланаётган болалар сафи тобора ошиб бормоқда. Бу уларни, хатто ҳали ўн ёшга ҳам етмасдан кўз билан боғлиқ касалликларга, қайсарлик, гапга кирмаслик каби ҳолатларга олиб келаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Ўзбек халқи азалдан болажон. Биз фарзандимиз туғилишидан то камол топиб, халқ тилида айтганда, «одам бўлиш»гача бўлган даврга ўзимизни масъулиятли деб биламиз, бола-чақам дея елиб-югураемиз, ишлаймиш. Аммо сўнгги пайтларда баъзи ота-оналар боласига меҳр, эътибор ўрнига, телефон бераётгани жуда ачинарли ҳолат. Мабодо улардан бу ишининг мақсад-мудда-

осини сўрасангиз, боласини овутуши ёки бошқа тенгдошларидан кам бўлмаслигини исташини рўқан қилади. Аслида бу масъулиятдан бажарибнинг бир йўли ҳолос.

Афсуски, фарзандларимиз югурсин, қувласин, сакрасин, қисқаси, кўпроқ ҳаракатда бўлсин, шунда соғлом, маънан етук, қадди-басти чиройли, келишган инсон бўлиб улғаяди деймизу ниятимизга тескари иш қиламиз. Хўш, ушбу эзгу ниятимизни амалга оширишда бизга ким ёки нима ёрдам беради? Албатта, халқимиз томонидан асрлар давомида асраб-авайланиб, сайқал топиб, ўйналиб келаётган миллий ва ҳаракатли ўйинлар.

Ҳақиқатан ҳам, халқ даҳоси яратган болалар ўйинлари асрлар давомида навқирон наслини чинқитириш ва тарбиялаш вазифасини бажариб келаётгани билан аҳамиятлидир. Уларда халқимизнинг анъанавий турмуш тарзида синалган, ўзбекона миллий руҳ билан йўғрилган жисмоний-тарбиявий ҳамда маънавий-ахлоқий қарашлар ўз ақсини топган.

Зеро, бола ўйнаб завқ олади, ўйнаб курашга тушади, ўйнаб мағлубият аламини тартади, ўйнаб голиблик наҳидасини сурлади, ўйнаб ўрганади, ўйнаб кашф этади, ижод қилади, ўйнаб ҳамдардлик туйғусини туйди, ўйнаб бирлашади, хатто ўйнаб жудо бўлади, ёлғизланади. Хуллас, ўйнаб яшайди, ҳаракат қилади, фикр-лайди. Халқ ўйинлари шунинг учун ҳам болалар учун ҳаёт мактаби дейилиши беҳиз эмас. Бугунги кунда уларни унутаятганимиз, тобора йироқлашаётганимиз эртага салбий оқибатларга олиб келмасайди...

Болаликнинг ширин хотиралари

Миллий ўйинларимиз орасида воситали, ҳаракатли, болани ривожлантирувчи ўйинлар жуда кўп. Чунки бизгача яшаб ўтган аждодларимиз инсоннинг ҳар томонлама камолотга етишишда ўйинлар узувчилиги ва узлуксизлигига катта эътибор берган. Мисол учун, баҳорий ўйинлар кенг ўтлоқлар, сой бўйлари, қирда ўйналган. Бу, юқорида таъкидлаганимиздек, инсон руҳининг табиат билан уйғунлигини далолат. Шунингдек, улар орасида ҳайвонот ва наботот олами билан боғлиқ ўйинлар ҳам учрайди. Масалан, аждодларимиз қушлар ҳаётини қуатиб борган. Асрлар давомида табиати асраш, унга меҳр қўйиш ота-боболаримиз томонидан қадрият даражасида қаралган ва шунга мос ўйинлар ўйлаб топилган. Қисқача айтганда, халқимиз томо-

нидан яратилган ўйинлар ўзида қай-сидир рамзий маъно ифода этган, одамни ҳаракатга, ўйнашга ундаган. «Ланка», «жонқуяр», «тўпшош», «бекин-мачок», «хаммомпиш», «эшакминди», «чиллак», «ғирбойди», «сичқон ва мушук», «дим-дим» каби ўйинлар шулар жумласидан. Бу қаторни жуда узоқ давом эттириш мумкин. Ушбу ўйинларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гап кетганда, ҳар биримизда олис болалик хотиралари жонлангани табиий...

Ланка — миллий болалар ўйини ва шу ўйин анжони номи бўлиб, унинг яна бир номи — қарабеп. Ланка ўйинлар мол, қўй терисидан думалоқ кесиб олиниб, жуңсиз томонига шунга мос қўрошдан ёки танга ип билан маҳкамлаб тайёрланади. Бу анжонни болалар ёқининг ички ёки ташқи томони билан ким кўп ерга туширмай тегиб ўйнашади. Ланка ҳавода оёққа яқинлашаётганда бола уни қандай тегиш кераклиги ҳақида тезда бир фикр қилиб, керакли ҳаракатларни бажариши лозим.

Хаммомпиш — қиз болалар нам тўпроқни ёки лойни ҳаммом шаклида гўмбаз қилиб ўйнайдиган ўйиндир. Болалар лой ошдан пишиши учун хаммидек муштлашади, у силлиқ бўлиб етилган, ўйин учун тайёр ҳисобланади. Кейин ўйин бошланади. Ўйинбоши қизчаларга лойдан зувала тайёрлатади. Кейин қўйидаги шерьни айтади: «Томга қикдим тарозу курсин, Манави қизнинг арози курсин. Қизил қўйлак томдан туш, Зуваландан ҳаммом пиш». «Пиш» сўзи кимга тўғри келса, ўша қиз четга чикиб туради. Шу тарзда шерь айтелиб, «пиш» сўзи тўғри келган қиз даврандан чиқаради. Охирида қолган қиз «Қизил қўй томдан тушибди, Хамрим, хамр пишибди», деб қўйидаги лой зуваласини бор қучи билан ерга уради. У пақиллаб гўмбаз шаклида тушиши ва бош томонидан лой сачраб, оғзи очилиши керак. Агар бундай бўлмаса, қиз ўртлоқлари айтган шартни бажаради. Бунда шерь, ашула айтирилади ёки уй-рўзгор ишлари бажартирилади.

Чиллак — битта узун ва битта қалпа таёқ билан ўйналадиган ўйин бўлиб, унда керак бўладиган икки таёқнинг калласи чиллакбола, узун чиллакона ёки чиллаксоқ дейилади. Бу ўйинда чуқурчада турган чиллакболани чиллаксоқ билан уриб маррага етказиш талаб этилади. Маррага етказолмаган болага бирор шарт айтилади. Масалан, нафас олма йувуллаб келиш, бир оёқда сакраб юриш, қурбақадек юриб келиш ва ҳоказо.

тишиб энг кўп ўйнайдиган ўйинларимиздан бири «PUBG MOBILE» бўлиб, бу ўйинда сиз жамоа ёки яққа ҳолда қолган жамоа ёки одамни ўлдиретишингиз керак бўлади. Қанчалик кўп одамни ўлдирсангиз, шунчалик кўп пул йиғасиз ва қуролланишингиз мумкин.

Гоҳ-гоҳида ўртлоқлар билан телефон орқали футбол, шашка, миникрафт ҳам ўйнаб тураемиз, бироқ тўғриси айтсам, булар одамни тез зериктириб қўяди. Кўчада ўйналадиган ўйинларнинг баъзиларини биламан. Масалан, телефондаги ўйинлардан зериккан пайтларимиз маҳалладаги болалар билан арқон тортиш, «ланка», «қувлашмачқ», футбол ўйнаймиз. Аммо орда жанжал кўтарилади, кимдир мағлубликка чиқолмайди ёки орқада қолиб кетганидан ранжиди. Агар ота-оналаримиз, ака-опаларимиз бизга ўзлари болалиқда ўйнаган ўйинларни ўргатаман дейишса, қаршилигимиз йўқ. Лекин, афсуски, улар ўз ташвиши, ишидан ортмапти. Шунинг учун ҳам биз балки улар бир пайтлар ўйнаган ўйинларни билмасмиз, узоқлашиб бораётганимиз.

Глобаллашган ҳозирги давр турли қулайликлар яратиши билан бир қаторда олдимизга миллий меросни асраш каби долзарб вазифаларни ҳам қўяди. Турли бўҳронлар аро миллиятнинг, халқнинг миллий меросини излаш, топиш ва сайқаллаб, халқнинг ўзига қайтариш бугуннинг асосий мавзусига айланган.

Бинобарин, болаларимизга миллий меросимизнинг муҳим қисми — халқ ўйинларини қайтарсак, ўргатсак, онгу қалб учун кураш кетаётган бугунги мураккаб замонда қўллаб муаммоларини олди олинади. Фарзандларимиз ҳаёти янада мазмунли, ранг-баранг кечади, тарбияли, одоб-ахлоқи, саломатлиги яхши бўлади, уларнинг ўзига ишончи мустаҳкамланади. Халқ даҳоси билан яратилган билимлар, таъриба ўғил-қизларнинг кун келиб жамиятда қийналмай ўз ўрнини топишларида қувват беради.

Шундай экан, ёшларимиз қалби ва онгида ўз тарихи ҳамда қадриятларига ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришда мана шу оддий ўйинларнинг ҳам ўрни катта эканини унутмаслигимиз даркор.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

Италиялик етакчи дизайнерлар Андижон вилоятида тўқимачилик саноатини ривожлантиришга жалб қилинди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 0013-0788

Таҳририятга келган қўғамалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг муктабиз берилиши учун обунани расмийлаштарган таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислол Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буок Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.56 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6